



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 6 апрель, № 70 (8693)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

# Кўҳна Хива шаҳридаги музокаралар Самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 5 апрель куни ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфа-

атли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда. Икки давлат халқро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, халқро ташкилотлар — БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни кўтқариш халқро жамғармаси ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Минтақавий ва халқро аҳамиятга молик қўллаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1250 дан ортқ Қозоғистон корхоналари, Қозоғистонда эса ўзбек капитални иштирокида 1400 дан ортқ компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан яна бири, бу — транспорт ком-

муникациялари соҳасидир. Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Ушбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтапти. 2023 йилда темир йўл транспортида халқро ташиш ҳажми 23,46 миллион тонна, автомобиль транспортида 2,1 миллион тонна, ҳаво транспортида эса 90 минг тоннани ташкил этди. Кўҳна Хива шаҳрида

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев учрашув ўтказдилар. Унда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳар томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, илгари олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ инвестиция битимлари ва савдо шартномаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбарлари машина-созлик, энергетика, транспорт ва логистика, қончилик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш юзасидан Бош вазирлар ўринбосарлари, Ҳукуматлараро комиссия хузуридаги ишчи гуруҳлар ҳамраисларининг ҳисоботларини тингладилар. Президентлар товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат кооперацияси бўйича узоқ муддатли дастурни шакллантириш ҳамда транспорт ва энергетикада инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқ бердилар. Жорий йилда Саноат кооперацияси халқро марказини ташкил этиш бўйича амалий ишларни бошлаш, қўшма ташқи савдо компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Гуманитар ва туризм алоқаларини ривожлантириш, ёшлар иштирокида маданият, таълим ва спорт соҳаларида қўшма тadbirlar ўтказиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Минтақавий аҳамиятга мо-

лик масалалар, шу жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан фикр алмашилди. Икки ва кўп томонлама шаклдаги бўлажак қўшма тadbirlar режаси кўриб чиқилди. Учрашув ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев “Хива гиламлари” комбинатига ташриф буюрдилар. 2020 йилда ташкил этилган қиймати 24 миллион долларлик ушбу корхона йилига 4,2 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Махсулотлар АҚШ, Хитой, Россия, Қозоғистон ва МДХнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Комбинатда Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. 750 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Президентлар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни ва шоуруми билан танишдилар, комбинат ҳудудида ташкил этилган “Made in Uzbekistan” бренди остидаги маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирдилар. Масыул вазирлик ва идораларга ўзаро тажриба алмашиш, кооперация ва савдо-ривожлантиришга кўрсатма берилди. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида

қадимги Хиванинг “Ичан қалъа” мажмуаси тарихий обидалари ва Нуриллобой саройини зиёрат қилди. “Очик осмон остидаги музей” сифатида танилган Хива яхлит ёдгорлик сифатида Марказий Осиёда сақланиб қолган ягона шаҳардир. Бу ерда 120 дан ортқ меъморий обидалар жойлашган. 1990 йилда Хива шаҳри ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган, 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланган. 2020 йилда шаҳар Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилинди, 2024 йилда эса ислон дунёсининг туризм пойтахти бўлди. Нуриллобой саройи ХХ аср бошларида бунёд этилган. Мажмуа мадраса, 100 дан ортқ хоналар, галереялардан иборат. Сарой хоналарини безашда нафақат хивалик моҳир усталар, балки чет эллик расом-декораторлар ҳам иштирок этганлар, улар саройнинг шарқона қиёфасига Европанинг модерн услубини сингирдирилган. Хоналар ички кўриниши, каминлари, Венеция ойналари ва тилла суви югуртирилган бронзадан ишланган, биллур илгакли қандиллари билан ажрალი туради. Хива тарихи ва унинг фан ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, ҳудуднинг бой маданияти ва санъати ҳақидаги ҳикоялар қозоғистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга ташрифи яқунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хорижий экспертлар Хивада бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон саммити яқунлари ҳақида



сидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон учрашуви ва унинг яқунлари хорижий экспертлар ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

**Жан-Антуан ДЮПРА, Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис:**

— Ушбу ташриф қардош давлатлар ва халқлар ўртасидаги вақт синовидан ўтган яхши қўшничилик муносабатларининг яна бир ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг бугунги кунда бутун Марказий Осиё учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қўламли шерикликни янада мустаҳкамлаш истагининг ёрқин тасдиғидир. Очиги, икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашуви давомида эришилган келишувлар Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшимча туртки бериши, шубҳасиз.

Икки қўшни давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги энг юқори даражасига кўп жиҳатдан Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг ўрнатилган яқин мулоқоти натижада эришилди ва бу икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга замин яратмоқда. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик кучли ва муваффақиятли тус оlsa Марказий Осиёдаги вазият ҳам шунчалик барқарор бўлади.



### Акс садо

Саноат кооперацияси халқро марказини ташкил этиш бўйича амалий ишларни бошлаш, қўшма ташқи савдо компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Маданий-гуманитар ва туризм алоқалари-

ни ривожлантириш, ёшлар иштирокида маданият, таълим ва спорт соҳаларида қўшма тadbirlar ўтказиш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Минтақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доира-



Президентимиз бундан етти йил муқаддам янги Ўзбекистонни бунёд этамиз, деганида кўпчилик бунинг моҳиятини, қўламини тўла англамаган бўлса-да, қалблари ёришиб, ҳаётда, турмуш тарзида, орзулари рўёбида янги имкониятлар, қулай шарт-шароитлар яратилишини кутгани рост. Ўтган йиллар шуни кўрсатдики, Шавкат Мирзиёев янги давлат ва жамият қурилиши ҳақида гапирганда нафақат сурат, балки сийрат янгиланишларини назарда тутган. Буни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат бунёд этиши, халқимизнинг турмуши тўқислигини таъминлаш, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиш, одамлар тафаккурини янгилаш, умуман, барча жабҳада олиб борилаётган туб ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди.

### Муносабат

Бугун юртдошларимиз микёси ва шиддат жиҳатидан мисли кўрилмаган бунёдкорликлар ичра яшамокда. Отабобларимизнинг асрий орзу-маслаги — эмин-эркин, обод ва фаровон давлатни барпо этишдек улуг ният рўёбига ҳисса қўшишга интиляпти. Президентимиз ташаббуси билан бошланган Янги Тошкент лойиҳаси ана шундай максад-муддаоларнинг амалий ифодаси сифатида ҳаётга кўчмоқда. Давлатимиз раҳбари шу йил 3 апрель куни пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги таъ-

лим ва туризм объектларида яратилган шароитлар билан танишди ва Янги Тошкент шаҳрининг илк иншоотлари қурилишини бошлаб берди. Таълим, илм-фан, тиббиёт, маънавият ва маданият масканлари, бири-биридан кўркам аҳоли тураржойлари, сўлим боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар, савдо шохобчалари, гипермаркетлар, ҳордиқ чиқарадиган мажмуалар, отеллар бунёд этилишини ўз ичига олган ушбу мегалойиҳа юртимиз меъморчилиги тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилиши муқаррар.

Зеро, барча экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда “яшил шаҳар” концепцияси асосида қуриладиган ушбу кент Ўзбекистоннинг миллийлик ва замонавийлик уфуриб турган марвариди, халқимиз меҳр берган ва дунё аҳли ҳавасини келтирадиган мафтункор гўшаси, жонажон Ватанимизнинг юраги бўлишига шубҳа йўқ. Янги Тошкент халқимизнинг жипслиги, ҳамжихатлиги, юксак бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади. Миллатимиз даҳосини, куч-қудратини акс эттиради.

3-саҳифага қаранг.





